



ОЛИЙ ҲАРБИЙ ВА ҲАРБИЙЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУҲИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдурахмонов Зафар Батирович

– катта ўқитувчи,

Ўзбекистон Республикаси

Божхона қўмитасининг Божхона институти

Калит сўзлар: олий ҳарбий ёки ҳарбийлаштирилган таълим муассасаси, Қуролли Кучлар, ҳарбий таълим муҳити, ўқув жараён, курсант, бўлажак офицер шахси, касбий тайёргарлик, ҳарбий хизмат, педагогик муҳит, ўқув жараёни.

Аннотация: Ужбу мақола олий ҳарбий ёки ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида мавжуд бўлган таълим ва педагогик муҳитнинг хусусиятларига бағишланган бўлиб, унда бўлажак офицер шахси учун касбий фаолият ва ҳарбий хизматда зарур бўлган билим ва кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, жамият ҳавфсизлиги ва тинчилини сақлаш, фуқаролар ҳаётининг осойишталигини таъминлаш – ҳар қандай давлатнинг бош вазифасидан бири хисбланади. Мазкур соҳани муваффақиятли фаолиятини амалга ошириши юқори малакали рақобатбардош мутахассисларнинг мавжудлигига чамбарчас боғлиқдир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрларни тайёрлашнинг мустаҳкам тизими шаклланган. Унинг асосий вазифаси эса ҳарбий қасамёт ва ўз хизмат вазифаларига содиқ ҳарбий хизматчи ва ватанпарвар офицерни тайёрлашдан иборат.

Кириш қисми



Замонавий глобал хавфсизлик шароитида Куролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун юқори малакали, рақобатбардош ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятига эга офицер кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу вазифанинг самарали бажарилиши олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида ташкил этилган таълим-тарбия муҳитининг сифатига бевосита боғлиқ.

Ҳарбий таълим тизимининг долзарб вазифаларидан бири доимий равишда ўз-ўзини ривожлантиришга, жамият тараққиётига ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига йўналтирилган шахсни шакллантиришдир. Касбий тайёргарлик жараёни нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш, балки бўлажак-офицер шахсини шакллантириш, ўз мамлакатининг юксак ахлоқи, касбий педагогик маданияти ва анъаналари ташувчиси сифатида аралади. Курсантларни ўқитиш ва тарбиялаш учун офицер юқори касбий ва педагогик тайёргарликка эга бўлиши керак¹.

Таълим дидактик материаллар, дастурлар, техникалар, ўқитувчилар ва батальон курс бошлиқлари таркибини ўз ичига олади. Таълим муҳитида курсант асосий мутахассислик бўйича ўқитилади. Шунини таъкидлаш керакки, барча таълим блоклари мустақил равишда мавжуд эмас, улар турли муҳитларнинг ўзаро боғлиқлигини англатади.

Машғулотлар давомида курсантлар ўз мутахассисликлари бўйича билимларга эга бўладилар, шунингдек, ҳарбий ва ҳарбий-махсус тайёргарликнинг барча босқичларидан ўтадилар, ҳарбий хизматда зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

Олий ҳарбий ёки ҳарбийлаштирилган таълим муассасаси курсанти кун давомида алоҳида “Кун тартиби”га риоя қилган ҳолда таълим олади.

¹ [Беловолов, В. А. Готовность будущего офицера к профессиональной деятельности как психолого-педагогическое явление [Текст] / В. А. Беловолов // Сибирский педагогический журнал. - 2010. - №9. - С. 41-50.].



Курсантларнинг кунлик фаолияти аниқ жадвал асосида тартибланган бўлиб, ўқув жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади. Шунга мувофиқ, таълим соҳасининг ҳарбий-касбий, хизмат, хизмат-маиший, таълимий каби қўшимча компоненталарини аниқлаш мумкин.

Курсантларнинг ҳаётида муҳим ўринни хизмат ва хизмат-маиший компонента эгаллаган бўлиб, улар ёш йигитни ҳарбий хизмат шароитларига тайёрлаш, унинг фикрлаш доирасини ўзгартириш, хизмат доирасида олиб бориладиган вазифаларни ўргатиш каби вазифаларни ўз ичига олади. Таълим соҳасининг бу компонентаси ҳарбий олий таълим муассасасининг команда ва қисмлари таркиби, махсус бўлимлар ва қўшинлар хизмати ташкиллаштирувчи ва тартиблаштирувчи шахслар, ички ва гарнизон қисмларида хизмат ўташ, махсус синфлар ва суткалик нарядга тайёрлаш жойи, суткалик нарядни ўташ жойини ўз ичига олади.

Олий ҳарбий таълим муассасаси таълим соҳасининг тарбия компонентаси таълим соҳасининг бошқа компоненталари билан боғланган бўлиб, ўз ичига тарбиявий мақсадларни ҳам олади.

Олий ҳарбий олий таълим муассасасининг яна бир хусусияти - бу курсантларнинг хизматга тайёр бўлиш жараёнлари бўлиб, шу билан боғлиқ ҳолда машғулотлар давомида педагогик усулдан андрогогик иш шакллари ва услубларига ўтишнинг зарурлиги сабабли ўқув жараёнини психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Курсантлар ёшига хос хусусиятларни, шунингдек, уларнинг таълим фаолиятидаги хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқотлар жуда кам. Шу сабабли, курсантлар ўқитиладиган муҳит, маълум бир ўзига хос хусусиятга эга. Умуман олганда, тадқиқотчиларнинг олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларнинг ўқув фаолиятининг психологик мазмунига бўлган эътибори, таълим бериш жараёнидаги индивидуал фарқларни таҳлил қилиши етарли эмаслигини ҳам ҳисобга олиниши керак. Ўқув фаолиятининг оператив



таркибий қисмларининг ўзгаришини, таълим муассасасида ўқитилаётган курсантларнинг ақлий ривожланиш динамикасини кўрсатадиган адабиёт ва илмий ишланмалар деярли йўқ. Шу сабабли, олий ҳарбий таълим муассасаларида битирувчиларга нисбатан шахс сифатида таълим муҳитининг натижаси қандай эканлиги ҳақида аниқ тасаввур мавжуд эмас.

Олий ҳарбий таълим муассасасининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, аралаш таълим тамойиллари асосида, олий ҳарбий ўқув юртларининг ривожланаётган ўқув-моддий базаси доирасида курсантлар ва тингловчиларни мазмунли ҳамда кафолатланган таълим сифатига эришиш орқали профессионал-шахсий ўқитишни ривожлантириш керак бўлади.

Бизнинг фикримизча, аралаш таълим мамлакат олий ҳарбий таълим муассасаларида энг мақбул ва келгусида ривожланиш истиқболларига эга. Бу, биринчи навбатда, ҳарбий муҳитнинг психологик омилларини намоён этишни ҳисобга олиш қобилияти, касбий ва шахсий фаолиятда ёпиқ характердаги билимларни, эришилган кўникма ва қобилиятларни қўллаш учун мўлжалланган келажакдаги ҳарбий мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусияти билан белгиланади.

Яқин вақт ичида ўқитувчи ва курсант (тингловчи) ўртасида таълим жараёнида субъект-субъект муносабатлари даражасида шахслараро алоқаларнинг хусусиятини ўзгартиришга ва ҳарбий муҳитнинг психологик омилларини намоён этишга асосланган ҳарбий-таълим муассасаларида аралаш таълим тизимини янада ривожлантириш муҳим тенденциялардан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларида таълим-тарбия муҳитининг ўзига хос хусусиятлари унинг таълим, тарбия, хизмат ва хизмат-маиший компонентларининг ўзаро интеграциялашган ҳолда ташкил этилиши билан тавсифланади. Бундай



муҳит курсантларда касбий компетентлик, интизом, лидерлик, ватанпарварлик ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, аралаш таълим технологиялари ва замонавий педагогик ёндашувларни жорий этиш ҳарбий таълим сифати ҳамда бўлажак офицерларни тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш имконини беради.